

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 230 (11.291)


Баҳос эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

БУНЁДКОРЛИК, МУСАФФОЛИК, ПОКИЗАЛИК

ПОЙТАХТИМИЗДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Табиат ва инсон



Табиат ва инсон

кўпайиши оқибатида ҳавога чиқадиган зарарли газлар миқдорининг ошириши бориши кўпчиликка аён. Аммо Тошкентда бундай ҳол кузатилмади. Ҳавога ташланадиган олтингургурт диоксида, углерод ва азот оксида, аммиак, фенол сингари зарарли моддалар 1990 йилдаги ҳолат билан таққосланганда, 2,5 бараварга камайди. Табиий савол туғлади: бунга қандай қилиб эришилди? Айтиш жоизки, бунга бир неча омиллар асос бўлаётди. Энг аввало, пойтахт шаҳрида транспорт-коммуникация тизими тақомиллаштириб бораётган. Хусусан, кейинги йилларда дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган магистрал йўللар, кўпба кўприк ва йўлўзқазгичлар қурилди, Кичик ҳалқа йўли бунёд этилди. Президентимизнинг доимий эътибори туфайли Эски шаҳар ҳудудига йиллар мобайнида тўлпаниб қолган экологик муаммолар бирма-бир ечимини топомоқда. Очиги, бу мавзенинг ҳавоси оғир, айниқса, ёз пайтида қандайдир губор ичида қолиб кетиши бор гап эди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Эски шаҳарнинг кўкрагига шабада тегиши учун қанчадан-қанча тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Кўча бўйларига манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилиб, турфа гуллар парваришланаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шаҳримиз кўчаларида юрган кишининг баҳри дили очилади. Йўллар кенг ва раvon, ҳаво мусаффо. Маълумки, шаҳар экологияси, аҳоли санолатлиги мавжуд ичимлик сувининг сифати

таги ҳам бевосита боғлиқ. Бу йўналишда ҳам изчил ишлар олиб борилаётганини натижада бугун пойтахтликларнинг 99 фоизи марказлаштирилган ичимлик суви тизими, 95 фоизи канализация тармоғи билан таъминланган.

Шу ўринда бир манзарани эсга олайлик, 1990 йилгача шаҳар сув ҳавзаларига 70 га яқин корхоналардан оқова сув чиқарилар, уларнинг 50 дан зиёидан амалда деярли тозаланмаган саноат оқоваси ташланарди. Кейинги 15 йил мобайнида саноат оқоваси бир неча қарра камайтирилди ва бундай оқова умумий сув ҳажмининг атиги 6,4 фоизини ташкил этади. Бугунга келиб, саноат корхоналарида оқова сувларнинг тозаланаётгани туфайли Чирчиқ дарёси, Салор, Қорасув, Бўзсув каналлари ва Қораканнинг коллектори сувининг сифат кўрсаткичлари, 1990 йилдаги кўрсаткичлар билан таққосланганда, 2-2,5 бараварга яхшиланди.

Тошкент — йилнинг тўрт фаслида ҳам янаб турадиган яшил шаҳар. Кейинги йилларда шаҳарни қайта қуриш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг жадал амалга оширилаётганлиги туфайли 15,2 миң гектар эки шаҳарнинг 30 фоизи яшил майдонларга айланди. Ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда пойтахтда аҳоли жон бошига 69 квадрат метр кўкаламзорлаштирилган ҳудуд тўғри келапти. Бошқача айтилганда, истиклол йилларида бу кўрсаткич 21,5 квадрат метрга ортди. (Давоми 2-бетда).

Инсон — табиат фарзанди. Шундай экан, инсон ўз соғлиғини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади. Ислон КАРИМОВ.

Ўлкамизда олтин куз. Дов-дарахтлардаги қизғиш, заъфарон ва турфа рангли барглари табиат деб аталмиш рассомнинг ёрқин бўёғини ёдга солади. Иш вақти туғалгач, уйга пиёда кетишга аҳд қилдим. Тошкентимиз куз фаслида ҳам гўзал ва ҳушманзара кўриниш касб этган. Сўлим боғлар, файзли хибонлар, жозибадор кўчалар, синчиклаб разм солсангиз, чарчогингизни олади.

Ҳаёлимдан шундай уй ўтади: Тошкентнинг бугунги жамоли ўз-ўзидан бунёд бўлгани йўқ. Бу маҳобатли манзара истиклол яратган имкониятлар, пойтахтимизни дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирини айлантириш мақсадида Президентимиз Ислон Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қўламли амалий ишлар самарасидир.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида моҳият-эътибори билан инсон ва унинг манфаатларига қаратилган ислохотлар изчил олиб борилаётгани туфайли экология соҳасида диққатга сазовор ютуқлар кўлга киритилди. Биргина Тошкент азиямдан шундай ўзгаришларнинг ўзиёқ бундан аққол далолат бериб турибди.

Умумий майдони ҳозирги кунда 334 квадрат километрдан иборат бўлган бош кентимиз экологик жиҳатдан жуда катта силсилани ташкил этади. Пойтахтимизда айни пайтда 2,3 миллион аҳоли истиқомат қилаётгани, унинг ҳудудига 3500 та йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатаётгани, кўчаларида 300 миңдан кўпроқ автомобиль ҳаракатланаётганини ҳисобга олсак, бу ердаги экологик ҳолат алоҳида эътибор ва масъулиятни талаб этади.

Бугунги кунда тегишли хизматлар Тошкент атмосферасини, тупроқ, сув ҳавзалари, саноат ва автотранспорт ҳолатини мунтазам назорат қилиб борадилар. Таҳлилларга қараганда, истиклол йилларида шаҳарда автомобильлар сони 1,8 бараварга кўпайган. Бу аҳоли турмуш даражаси тобора яхшиланиб бораётганининг тасдиғидир, албатта. Шу билан бирга, масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Маълумки, автоуловлар сонининг

ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ОПЕКНИНГ ХАЛҚАРО РИВОЖЛАНИШ ЖАМҒАРМАСИ БОШ ДИРЕКТОРИ СУЛАЙМОН АЛ-ХЕРИШ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 21 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЭРКИН ТУРДИМОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида бошқа жабҳалар сингари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани, бу эса хоржий ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси кўпба тармоқлар сингари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини ислохот қилишда ҳам мамлакатимизнинг фаол ҳамкорларидан саналади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2008 йил 17

январда қабул қилинган ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси иштирокида "Бухоро вилояти Кўйимозор насос станциясини қайта тиклаш" лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар оид қарори мазкур нуфузли молия муассасаси билан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Меҳмонлар юртимизда мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар.

Музокарада мамлакатимиз билан ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси ўртасида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқалар, тармоқда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, ўзаро тажриба ва ахборот алмушурини фойдалантириш юзасидан фикр алмашилди, ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларига оид масалалар муҳокама қилинди. (ЎЗА)

Кеска сатрларда

ЎТГАН куни Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» ва «Олмазор» маҳаллаларида маҳалла фаоллари иштирокида маҳалла фақролар йиғини раислари ва маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Фан ва таълим Касаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилган йиғилишда олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган бир гуруҳ кам таъминланган оилалар фарзандларига эсдалик совғалари туҳфа этилди ва улар Фан ва таълим касаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгашининг стипендияларига сазовор бўлганликлари маълум қилинди.

РЕСПУБЛИКА Олий ҳўжалик судида ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланди.

ШАҲРИМИЗДА Яққасарой ва Чилонзор туманлари ҳокимликлари, туманлар хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорликларида хотин-қизларни ёт гоғлар ва зарарли оқимлар таъсиридан асраш масалаларига бағишлаб уюштирилган тадбирда фаол аёллар иштирок этишди.

ШАҲРИМИЗДА провизорлар, шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбир «Маҳаллий дори препаратлари ва уларни саклаш муаммолари» деб номланди.

БУГУН Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ёшлар ўртасида у-шу бўйича уюштирилган спорт мусобақалари Ёшлар йилига бағишланди.

МУКИМИЙ номидаги ўзбек Давлат мусикали драма театрида XX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Мақсуд Шайхзоданинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб ўтказилган хотира кечасида адиблар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, талабалар иштирок этишди.

ШАҲРИМИЗДА баскетбол бўйича эркалар ўртасида ташкиллаштирилган Ўзбекистон чемпионатининг 1-тур баҳслари ниҳоясига етди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНИ ҲАҚИДА

Статистик маълумотларга кўра, дунёда бошқа халқлардан кўра кўпроқ немислар саёҳат қилишни яхши кўришаркан. Шунинг учун ҳам Германияда сайёҳларга мўлжалланган бир қатор нашрлар чоп этилади. Ана шундай журналлардан бири «ADIEU Tristesse» («Алвндо, тушқунлик») жорий йилнинг ёз ойларидан бошлаб немис тилида чоп этилмоқда. У рангли журнал бўлиб, 130 саҳифадан иборат. Унда барча маълумотлар сайёҳларга, сайёҳлик хизматлари ва агентликларига тушунарли бўлиши учун содда қилиб баён этилган.

Мазкур журналнинг навбатдаги сонида таниқли немис олими, Марказий Осиё бўйича эксперт Клаус Пандер билан сўхбат эълон қилинган. Сўхбатда К. Пандер Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган. Журнал ўқувчилари эътиборини Ўзбекистоннинг бой тарихига қаратган экан, немис олими «узок йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг бу қисмида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмади, бугунги кунда у ерда катта ривожланишлар амалга оширилмоқда», деб таъкидлайди. К. Пандер 1960 йилларда Марказий Осиёдаги сайёҳлик гуруҳида ил-

мий раҳбар бўлиб ишлаган. Ўз интэрвюсида у охириги 40 йил ичида Ўзбекистонга кўп марта келгани ва ўша сафарлар чоғида олган таассуротлари ҳақида ўртоқлашди. «У пайтларда, собиқ иттифоқ даврида ҳамма нарса Москва томонидан бошқариларди, — деб эслайди у. — Ўзбекистонда барча мадрасалар, макбара ва масжидлар ёпилган ёки улардан исталган мақсадда фойдаланилар эди. Уларнинг кўплари омборхона ёки спорт заҳраларига айлантилган. Бир куни биз Бухородаги Масжиди Калонга дор тортиб, томошабинларни кутиб турган дорбозларни кўргандик».

Буюк Ипак йўли ҳақида гапирар экан, К. Пандер юзлаб йиллар давомида ушбу тарихий йўлдан фақат савдо қаровонлари эмас, Александр Македонский, Чингизхон, Амр Темурининг қўшинлари ҳам ўтганини таъкидлайди. «У вақтларда Самарқанд билан Бухоро йирик савдо марказларидан бўлган. Бу мамлакатдан махсулотлар Хитой ва Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилига жўнатилган. Бу ерда ҳамма нарса, асосан ипак матолар, шунингдек, долчин, хантал ва арпабодий каби ранг-баранг ўзига хос хушбўй ҳидга эга бўлган зираворлар, хуллас, нима сотилиши мумкин

бўлса ҳаммаси сотилган. Шарқдан Фарба эса металллар, қумуш буюмлар, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, сопол буюмлар, қуроллар, жун ва рўмонлар олиб келинган».

«Буюк Ипак йўлида ҳар хил миллатта мансуб кишилар учрашганлар, турли халқлар маданият қарашлари, хусусан, санъат, тил ва динлар тўқнашган» дея таъкидланади на-ширда. К. Пандер Ўзбекистонда Амр Темури давридан буён сақланиб келинаётган мейморий ёдгорликларнинг бетакор эканлигини яхши билан тасвирлайди. У маҳобатли гўмбазили, бетакор ва улкан пештоқли, кенг ховлига эга, кўп рангли қошинкор нақшлар ишланган сабобатли муқаддас обидлар ва иншоотларни алоҳида қайд этади. «Гури Амр макбара-раси, Регистон майдони, Бибиномим макбараси беэаб турган Самарқанд, Оқсарой каби ажойиб қошонага эга бўлган Шаҳрсабз ҳақиқатан ҳам бу ерда қайта-қайта келишга ва гўзал-лигидан баҳраманд бўлишга арзий-

ди», — дейди К. Пандер.

«Хеч бўлмаганда йилига бир марта Ўзбекистонга бораман, — дея таъкидлайди у. — Менга ушбу мамлакат ҳудди миң бир кеча эрталарда, Буюк Ипак йўлида жойлашган қишлоқлари, бетакор тарихий обидалари ва муҳташам бинолари, айниқса, ўзларининг самимилиги ва меҳмондўстлиги билан ақралиб турадиган ўзбек халқи ёқади.

Немис олими бугун Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида ижобий фикрлар билдириб, мамлакат раҳбарияти сайёҳликни ривожлантиришга, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан миң-миңлаб сайёҳларни ўзига жалб қилаётган кўпба беаҳо маданият ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва авайлаб-асрашга муҳим аҳамият бераётганини алоҳида таъкидлайди.

Шўхрат УМИРОВ «Жаҳон» АА, Берлин

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил тўққиз ойдаги ижроси яқунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасида «Ёшлар парламентаризми: миллий ва хорижий амалиёт» мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Анжуманда ёшлар парламентаризми тушунчаси ва гоғларнинг ҳаётимизга кириб келиши, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш, парламентаризм гоғларининг ёшлар орасидаги тарғиботини кучайтириш катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган конференция «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида «Habeas Corpus Act» механизмининг амалга оширишда Омбудсманнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи уюшмалар билан ҳамкорлиги» деб номланди.

Республика Ўқувчилар ижодиёти марказида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон камолоти, бахти ва фаровонлиги Қомуси» деб номланган конференция бўлиб ўтди.

21 ноябрь куни бу йил муборак Ҳаж зиёратига отланган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Тошкент аэропортидан Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

«Қамолот» ЕИХ Андижон шаҳри бўлими ва вилоят «Ёшлар маркази» ҳамкорлигида Халқаро талабалар куни олдидан ташкил этилган «Талабалар ҳафталиги» бўлиб ўтди.

Самарқандда реаниматолог-анестезиологлар малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган Европа таълим фондининг навбатдаги курслари ўтказилди. Тадбир доирасида уш кун давомида соҳа бўйича Дания, АКШ, Россиядан ташриф буюрган етакчи мутахассислар маърузалар ўқидилар.

Новоий вилоятдаги «Қизилқум» фосфорит комплексида Германиянинг «Engineering Dobersec GmbH» фирмаси билан ҳамкорликда фосфорит рудасини ювишга мўлжалланган янги технология ишга туширилди. Бу ерда қайта ишланган маъданлардан сифатли фосфор уни ва концентрат тайёрланмоқда.

Куйи Чирчиқ туманидаги «Азия агро альянс» компаниясига қарашли сутни қайта ишлаш мини заводида замонавий Голландия технологик линияси ўрнатилди.

ЖАҲОНДА

Кеча Перу пойтахти Лима шаҳрида ниҳоясига етган Осиё-Тинч океани минтақаси иқтисодий ҳамкорлик саммитида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти ўртасидаги фарқни камайитириш лозимлиги акс этган яқуний декларация қабул қилинди.

Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таъкидлашича, агарда АКШ Европага ракетага қарши мудофаа тизимини жойлаштирмайдиган бўлса, ўз навбатида Россия ҳам Калининградга «Искандар» комплексини ўрнатмайди.

Хиллари Клинтон мамлакатнинг янги президенти Барак Обама маъмуриятида АКШ давлат котиби лавозимини эгаллайдиган бўлди. Сайланган Президент маслаҳатчилари шу ҳақда маълум қилишди.

Шимолий Корея ядро муаммоси бўйича олти томонлама музокараларнинг навбатдаги босқичи саккизинчи декабрда бўлиб ўтади.

Исроилда ўн кишидан иборат экстремик йўналишдаги неонацистлар гуруҳи кўлга олинди. Улар жиноий ҳаракатдаги иштирокларига кўра бир йилдан етти йилгача бўлган қамоқ ҳазосига ҳукм қилинди.

Интернет тармоғида Европа электрон кутубхонаси очилаётган бўлиб, у Европа Иттифоқи мамлакатлари маданият меросига оид икки миллиондан ортиқ ёдгорликлар билан танишиш имкониятини беради. Маълумотларга кўра жорий йилнинг ноябрь ойи охиридан бошлаб барча хоҳловчилар махсус порталдаги ахборотлардан бепул фойдаланишлари мумкин бўлади.

АКШ маъмурияти илк бор Гуантанамо қамоқхонасида 7 йилдан буён ҳибсда ушлаб турилган 5 нафар жазоорлик кишининг айбсиз эканлигини тан олди.

Франциядаги Этретта шаҳрида жойлашган машур ёзувчи Ги де Мопассаннинг уйи ва Бужувалдаги Иван Тургеневга тегишли бўлган улкан хонадон сотувга қўйилди.

Кеча Чили фарбиде Рихтер шкаласи бўйича 5,6 баллик зилзила содир бўлди. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

Хитой шарқидеги Ханчжоу шаҳрида ер ости туннелининг номаълум сабабларга кўра бозулиши натижаида 11 автомобиль унинг қолдиқлари остида қолиб кетган. Мазкур ҳалокат натижаида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган, 17 киши бедарак йўқолган.

Дубайда сунъий оролда бунёд этилган энг катта меҳмонхона мажмуасининг жаҳон санъат ва спорт юлдузлари иштирокида ўтказилган очилиши дабдабали мушакбозлик билан нишонланди. Айтиш керакки, бундай томоша буюртмачиларга 20 миллион долларга тушди.

Асосий Қонунимиз биз барпо этишга дадил қилиш...

суверен демократик республика деб тавсифланади.

партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси...

масъулиятга асосланганлиги ҳуқуқий жihatдан мустақамлади.

аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш асосида рўйбга оширилмоқда.


дан, 1995 йилда Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили...

СИРЛИ ОЛАМ Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Ўзга сайёраликлар мавжуд. Улар одамлар билан жуда кўп бор мулоқот қилишган.

Конституциямиз яшамокда ва амал қилмоқда МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ВАҚТ ЎТГАНИ САЙИН МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИ, ДЕМОКРАТИК РУҲИ ЯНАДА ТўЛАРОҚ НАМОЁН бўлмоқда.



Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти эътиборини қозонган Ўзбекистон Конституциясининг давлат суверенитетига оид бобидан ўз эркини кўлга киритган мамлакатимизда давлатнинг мохияти...

қароларининг тенглигида, давлат ишларини бошқаришда уларнинг иштироки эътибори ҳамда кенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлигида ифодаланади.

қилинган "Давлат бошқаруви ни ангиллаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"

килиш, турмуш тарзини оқилона йўлга қўйиш, оилага, она ва болага, ногиронлар ва қарияларга кўмак бериш ҳамда пенсия ва нафақалар кабиларни белгилаш шунлар жумласига киради.

қилиш, турмуш тарзини оқилона йўлга қўйиш, оилага, она ва болага, ногиронлар ва қарияларга кўмак бериш ҳамда пенсия ва нафақалар кабиларни белгилаш шунлар жумласига киради.

Омонулла МУХАММАДЖОНОВ

2008 — Ёшлар йили КАМАЛАКНИНГ РАНГИН ЖИЛОЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДА «SEN YOLG'IZ EMASSAN» РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ТОМОНИДАН «КАМАЛАК ЖИЛОЛАРИ» МАВЗУИДА БОЛАЛАР РАСМЛАРИ ТАНЛОВИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Тадбирда Президентимиз Ишлом Каримов раҳнамолигида Ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласи давлда сибсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилагани алоҳида таъкидланди.

Тошкент шаҳридаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этган мазкур танловда тасвирий санъат йўналишида 23-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Артур Шаплов...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўпчилигимиз яхши эслаймиз, собиқ шўро даврида бетонпарастлик касалига чалинган айрим раҳбар ва мутасаддиларнинг эртанги кунни ўйламайдиган Тошкентимизда нафақат кўча ва майдонлар...


воралардан ташқари, умумий майдони 91 гектар ва сув сийғими 1,4 миллион куб метр бўлган бир неча сув ҳавзалари, хусусан, суъий кўллар мавжуд.

қўлаётганлиги ҳудудда барқарор экологик муҳит юзага келганини англатади.

Сир эмаски, шаҳар ҳудуди, асосан, сановат ва маиший чинкидилар ҳисобига ифлосланади.

Сир эмаски, шаҳар ҳудуди, асосан, сановат ва маиший чинкидилар ҳисобига ифлосланади.

Бунёдкорлик, мусавффолик, покизалик



Юртимиз бағри қандай дов-дарактлар билан буржаниш ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза юритиб ишлашни тақозо этади.

чиқилди. Ва шу асосда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Давлатимиз раҳбари тарихий кўлнинг азалий қурқини тиклаш учун замонавий асосда уни қайта барпо этиш, атроф-муҳитда салқин микроклимни яратиш, шу тарихи ушбу ҳудудга тоза ҳаво олиб кириш масаласини алоҳида таъкидлаган эди.

Бироқ амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, айрим кишиларда экологик маданиятнинг пастлиги ҳамон кўзга ташланиб қолмоқда.

Шокиржон БОКМОВ, эколог. («Халқ сўзи»дан олинди)

Назокат УСМОНОВА, Ўза муҳбири



Хамшахарларимиз

ОЙДИНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛИ

Бу мақолани ёзишдан мақсадимиз ёш ижодкорнинг кўлга киритган муваффақиятларини бирма-бир санадан иборат эмас, албатта. Ойдиннинг яратётган музикаси асарлари, майн ва сирли наволари бугунги кунда нафақат музика олами, балки кино ва театр дунёсида ҳам ўзига хос, тақрирланмас жиҳатлари билан одамлар юрагига кириб бормоқда.

Унинг ёшлигидан музикага бўлган қизиқиши ва интилиши дастлаб, Р.Глиэр номидаги Республика махсус музика мактабига етаклади. Мазкур ўқув муассасасида Ойдин виолончел синфиди ва бастакорлик мутахассислигидан сабоқ олди. Сўнгра Ўзбекистон Давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кириб ўз билимини янада мустаҳкамлаб олди. Ўқиш жараёнида энг яхши музика асарлари учун талаба ёшлар ўртасида ўтказилган бир неча танловларнинг ғолиби бўлди. Битирув давлат аттестациясига дипломини сифатида тақдим этган симфония, торли квартети Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ва таниқли созандалар томонидан юсак маҳорат билан ижро этилди. Шунингдек, у музика танқид билан ҳам шуғулланиб, матбуотда қатор мақолалар эълон қилди. Илмий анжуманларда мулоҳазали чиқишлари билан қатнашиб келмоқда.

— Мен ёшлигимданок музика оламига ошуфта бўлиб, унга дадил қадам-

лар билан кириб келганман, — дейди биз билан суҳбатда Ойдин Абдуллаева. — Дунёни фақатгина рангин рангларда, гўзаллик ва эзгуликка чулганган ҳолда музика сеҳри билан чамбарчас кўргим келади. Бу дунёдаги жамми нохушликларни ва ёмонликларни ҳам музиканинг майн навоси билан юмшатгим, ён атрофимдаги инсонларнинг энг фароғатли, шафоатли дамларини дилга ором бағишловчи куй-қўшиқлар билан ўтказишини жудаям истардим. Чунки куй ва қўшиқ бор жойга разолат, қабоҳат яқин йўламайди. Дунёнинг бор гўзаллигини, лаптофатини, нафосати-ю, жозибасини куй ва қўшиқларимда тасвирламоқчи бўламан. Меҳр-оқибат, одамийлик сари чорловчи куй ва наволаримда чексиз меҳр, битмас-туганмас гўзал орзулар бисёрдир. Агар яшаётган ҳаёт йўлларимда озгина бўлса ҳам, инсонларни эзгуликка чорлай олган, яхшилик сари ундаган уларнинг дил яраларига, қалб изтиробларига ўз куйларин билан малҳам бағишлай олган бўлсам бу менинг бахтим, саодатимдир. Чунки одамзот бу дунёга шунчаки келмайди, шунчаки яшаб ҳам бўлмайди...

Ха, Ойдин ҳақ гапни айтиди. Инсон бу кўнча оламда шаер экан ўзлигини англай олмоғи ва ўзгаларга озгина бўлса ҳам шодлик, бахт улашиб борлигини

билдириб турмоғи лозимдир.

Иқтидорли бастакор Ойдин Абдуллаева бугунги кунда Ўзбекистон Давлат консерваториясида музика назарияси ва бастакорлик кафедраларида талабаларга музика сирларидан сабоқ бериб келмоқда. Унинг ранг-баранг жанрдаги симфоник оркестр, торли камер оркестр, чолгу ансамбли ва яқна чолгулар хор жамоалари, хонандалар учун яратган куйлари, кино ва театр соҳасига оид яратётган музика асарлари ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Иқтидорли ёш бастакорнинг фортепиано учун уч қисмли "Сонатина"си, "Прелюдия" ва "Токката"си, чанг ва фортепиано учун "Концерт куйи", виолончел учун "Фантазия"си, дамли чолгулар квартети учун "Вариациялар"и, Умар Хайём рубоиларига ёзган беш қисмли туркуми, пима-рубооб ва фортепиано учун "Концерт куйи", симфоник оркестр учун "Поэма фантазия", саксофонлар квартети учун жаз услубидаги миниатюралари, 4 қисмли торли квартети, қашқар рубоби ва халқ чолгулари оркестри учун "Концерт" каби жуда кўпбал музика асарлари тингловчилар ва мухлислар юрагидан жой олиб келмоқда.

Шунингдек, у "Ансбел" чолгуларини ўргангани деб номланган ўқув қўлланма ҳам чоп эттирди.

Ойдин қандай ютуқларга эришаётган бўлса фақат ўқиш, изланиш, интилиш, устозлар ўғитишга амал қилиш ва машаққатли аммо шарафли меҳнати туфайлидир. Музика дунёсининг ранг-баранг маф-



тункор, жилвакор, оҳанрабо оламида унинг ҳам ўз ўрни бор. Асосийси, у инсонларни музиканинг мафтункор, жозибдор, оромбахш оламига чорлай олади. Сўзимизни мухтасар қилар эканмиз, дунёда инсонларни бахт ва саодатга элтвчи оҳанрабо куйлар, улар қалбига эзгулик таратувчи умрибоқий дилбар қўшиқларнинг кўпроқ яратилишини ва халқнинг дилдан муносиб жой олишини истаб қолардик. Зеро, куй ва қўшиқ инсон вужудини аллаовчи, унга ором ва сокинлик бахш этувчи ягона воситадир.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Ойдин Абдуллаева

Маънавият

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАР

«НОРМАЛ ФИЗИОЛОГИЯ» ДЕБ НОМЛАНГАН ДАРСЛИК АҚД ЭТИЛДИ. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ВА СТОМАТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ НОРМАЛ ВА ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ ТОМОНИДАН ЯРАТILГАН УШБУ НАШР РЕСПУБЛИКА ФИЗИОЛОГЛАР ЖАМИЯТИ ТАВСИЯСИ БИЛАН БОСМА ЮЗИНИ КўРДИ.

Бундан олдин кафедра олимлари муаллифлигида нормал физиология фани бўйича ўзбек ва рус тилларида электрон ўқув қўлланмаси талабаларга тортик қилрилган эди. Сўлак безлари сув-туз ажратуш функциясининг организмга таъсири, оғиз бўшлиғи тўқимасининг сақланишига оид тадқиқотлар эса ўз ечимини топмоқда.

АУДИО КУТУБХОНА

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА «АУДИО-КУТУБХОНА» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. ШУ ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ЗИЁ МАСКАНИ ТОМОНИДАН 400 ДАМ ОРТИҚ ГРАМПЛАСТИНКАЛИ КАССЕТАЛАР ТАЙЁРЛАНДИ.

Бундай ёзувли кассеталардан ўзбек ва рус тилларини ўрганувчи кўзи хира кўрадиган толиби илмлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Ўзбек тилида чиқарилган биринчи мажмуа тўплами 25 та китобни ўз ичига олди. Бу адабиётлар орасида Саид Аҳмад, Тоҳир Малик каби таниқли адиблар асарлари ҳам бор. Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Пиримкул Қодировнинг «Хумоюн ва Акбар» романларини ҳам видео-кутубхона орқали мутолаа қилиш мумкин.

ШЕЪРИЯТ ТУРКУМИ

«ШАРҚ ШЕЪРИЯТИ КИТОБЛАРИ» ДЕГАН ТУРКУМДА ҚАТОР ТўПЛАМЛАР ЧОП ЭТИЛМОҚДА.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан тақдим этилаётган бу китоблардан наватбадгаис муноз адабиётимизнинг йирик намоёниси Мирзо Бобур ижодига бағишланди.

Ушбу нашр рус тилида босмага тайёрланди. Шоир шеърларининг рус тилидаги таржимаси маҳорат билан адо этилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Бундай яхрили иш Бобур халқаро жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилди. Нашриёт шу туркумдаги яна қатор шеър тўпламларни китобхонларга тақдим этади.

Анвар ВАЛИЕВ

ЁШЛАРНИ ЁТ ИЛЛАТЛАРДАН АСРАШ ЙўЛИДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ 3-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИДА «МИССЕОНЕРЛИК ВА ПРОЗИЛИТИЗМНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ» МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ. УШБУ УЧРАШУВ ЁШЛАР ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мирзо Улўббек туман маънавият ва маърифат кенгаши, туман «Махалла» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур давра суҳбатиди диний ақидапарастлик, гиёвандлик, ҳуқуқбузарлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш масалалари муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги ўқув муассаса директорлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходимлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбирда асосий эътибор ёшлар тарбияси, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, тарғибот-таъшиқот ишларини қучайтиришга қаратилди.

Тадбирда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларига таълим бериш билан бирга уларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва тўғри йўл курсатиш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, бу вазифаларни адо этишда ота-оналар, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини беради. Мутахассислар миқсонликнинг салбий оқибатлари ҳақида гапириб, ёшларнинг бундай иллатлардан ўзларини асрашлари, бу йўлга адашиб кириб қолмаслиги учун ҳушёр ва эътиборли бўлишлари лозимлигини таъкидладди.

Анқуманда ушбу мақсадга йўналтирилган амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва аниқ мақсадлар белгилаб олинди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Санъат

ҚАЙТА САҲНАЛАШТИРИЛГАН БАЛЕТ

ТАНИҚЛИ БАСТАКОР УЛУҒБЕК МУСАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ. ЎЗБЕК МУЗИКА САНЪАТИ РИВОЖИГА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚўШГАН БУ САНЪАТКОР ИЖОДИДА «ТўМАРИС» ДЕБ НОМЛАНГАН БАЛЕТ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри шу сана муносабати билан операни қайта саҳналаштирди. Ўзбек аёли қаҳрамонлиги рамзига айланган Тўмарис ҳақида ҳўқча қўлувчи янги постановка томошаларини томонидан яхши кўтиб олинди.

НАВБАТДАГИ ГАСТРОЛ

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БАЛЕТ ТЕАТРИ СОЛИСТЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗГА УЮШТИРГАН ИЖОДИЙ САФАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ.

Балет труппаси ижросида намойиш қилинган кўринишлар томошаларда, айниқса яхши таассурот қолдирди. Ушбу ижодий гуруҳнинг бундан бир йил олдин Тошкентга қилган гастрол чўғида корейс миллий ракс санъати намуналаридан иборат концерт дастури ҳам бу икки театр балет усталари ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўлган эди.

Акбар АЛИЕВ

Маҳаллаларда

ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

МАҲАЛЛА БИЗНИНГ МЎҲАЖАЗИНА, АММО ҚАДРИЯТЛАРГА БОЙ МАКОМИЗИ ҲИСОБЛАНАДИ. УНДА ЁШУ ҚАРИ БАҲАМЖИҲАТ, БАМАСЛАҲАТ, БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛИБ ИСТИКОМАТ ҚИЛАДИ. АЙНИҚСА, МАҲАЛЛАНИНГ БИРДАМЛИГИ ТўЙ, ҲАШАРЛАРДА, ЯХШИ-ЁМОН КУНЛАРДА БИЛИНАДИ.

Шаҳримиздаги «Шофайзи боғ» маҳалласи ҳам кўзга кўринган, мактаса арзийдиган гўшалардан биридир. Айниқса маҳалладаги аёлларнинг тотувлиги ва иноқлигини кўриб ҳавасингиз келади. Шунга айтишса керакда «Бирлашса ўзар, бирлашмаса тўзар» деб.

— Маҳалламизнинг нуфузи хамшахарларимиз орасида каттадир, — дейди биз билан суҳбатда «Шофайзи боғ» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, 2007 йилда ўтказилган «Энг намунали маслаҳатчи» кўрик танловининг туман, шаҳар ва республика босқичи бўйича ғолиби Малика Маҳмудова. — Муқтадиллик шарофати билан маҳалламиз бутунлай янгича қиёфа касб этди. Маҳалладаги аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида бир қанча тикув цехлари ҳам очдик. Аёлларнинг ҳам маънавий ҳам маърифий билимларини ошириш учун ҳар ойда бир марта торли хил тадбирлар, давра суҳбатлари ва соҳа кишилари билан учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон кишилар бор оилаларга моддий ва маънавий ёрдам берамиз. Инсон зиммасида биргина масъулият уни кўпроқ ўйлантирса керак, у ҳам бўлса одамийлик хислатини тўла-тўқис адо этиш, қўлимиздан келган ёрдамни кўмакка муҳтож кишилардан аямаслик, бир-биримизга меҳр оқибатли бўлиш. Маҳалламазда истикомат қилаётган ҳар бир фуқаро буни тўғри англай олишини истардим. Қачонки, бир-биримизни суяб, суянмас, дардимизга дарддан ҳолда яшай олмас, манзилларимиз нурли, йўлимиз равон бўлаверадим.

Дарҳақиқат, маҳалла нурли бир маскандир, қачонки унда одамлар бирлашиб умригузаронлик қилсалар, бир-бирларига меҳру муҳаббат кўрсатсалар ҳаёт йўллари мазмунли бўлиб бораверадим.

«Шофайзи боғ» маҳалласида ҳам Малика опага ўхшаган кўпбал жонқуяр инсонлар яшагани учун бу маскан ҳар томонлама мактовга лойиқдир. Малика Маҳмудова 1995 йилдан бери маҳалланинг фаол бир аъзоси сифатида хизмат қилиб келмоқда. 2004 йилдан буён эса диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчидир.

Маҳаллада ўтказилган ҳар бир тадбир, айниқса аёллар мавзусига оид давра суҳбатларига Малика опа ўзига хослик билан ёндашиб келмоқда. Маҳалланинг кекса онахонлари ўғитларига амал қилиб, ёш қизларнинг ҳам фикрларини инобатга олиб бамаслаҳат иш кўради. Шунинг учун ҳам маҳалланинг ютуқларига, унда амалга оширилаётган ишларга хамшахарларимиз ҳавас билан боқади.

Гулнигор САТТОРОВА

ҚИЗЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИДА ШАРҚОНА ОДОБ БИРИНЧИ ЎРИНДА ТУРАДИ. ЧУНОНЧИ, БУЮК МОМОЛАРИМИЗДАН МЕРОС БЎЛИБ КЕЛАЁТГАН УРФ-ОДАТЛАР, АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР ЗАМИРИДА КўЗ ИЛГАМАС, НОЗИК БИР БОҒИЧ РАҲМАТ, УНИНГ УЧЛАРИ ҲАМИША ЭЗГУЛИК, ГўЗАЛЛИК ВА НАФОСАТНИ БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИ.

Тадбирлар

ҚИЗЛАР ОДОБИ БИЛАН ГўЗАЛ

Яқинда Учтепа туманидаги Миллий касб-хунар коллежида бўлиб ўтган «Қизлар одоби билан гўзал» деб номланган тадбирда қизларимизнинг маънавий дунёсини янада гўзал қилиб шакллантириш, улар онига момомерос ақидаларини ўзлигича сингдириш борасида сўз борди. Тадбирда коллеж ўқитувчилари ва ўқувчи қизлари иштирок этдилар.

— Қизларимиз назокату нафосати, одоби ахлоқи билан гўзал ва жозибалидир, — дейди Учтепа тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулжамолат Тўйчиева. — Бугунги кунда туманимиздаги мавжуд коллеж, лицей ва умумтаълим мактабларида малакали мутахассислар, шоиралар ва олима аёлларимиз ёрдамида жуда кўпбал тадбирлар ўтказиб келмоқдамизки, буларнинг барчасининг негизиди, қизларимизнинг баркамол, етуқ инсонлар бўлиб етишиши, нурафшон келажиги каби асл мақсадлар мужассамдир. Зеро, бугунги ёш қизларимиз эртага бир оиланинг саранжом ва саришта, соғлом ва солиҳа бекаси, фарзандларнинг меҳрибон онаси, жамиятимизнинг етуқ ва ишбилармон

аъзоси бўлиб етишмоғи лозимдир. Айниқса айрим ёш қизларининг турли алдов йўллари билан гаразли мақсадларда чет мамлакатларга олиб кетилиши ҳаммаиз учун мудҳиш ва ўта аянчли хол бўлиб қолмоқда. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, қизларимизни маънавий жиҳатдан етуқ инсонлар қилиб тарбиялаш тадбирларимизнинг бош гоёиси ҳисобланади. Шунингдек, уларни оилага тайёрлаш, тиббий маданиятини янада ошириш, миллий урф-одатларимизга, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эътиром тўғрисида йўғотиш, кийиниш, ўзини тутиш ва сўзлашув

маданиятига ҳам эътибор» бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Тадбир давомида коллежнинг малакали аёл ўқитувчилари ва ўқувчи қизлари ҳам сўзга чиқиб, ўзларининг бу борадаги қизиқарли фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Машҳур шоирларимизнинг қизлар ибоси ва ҳаёсига бағишлаб ёзган шеърлари талаба қизлар томонидан ўқиб эшиттирилди. Тадбир доирасида учинчи курс талабалари, «Менинг нозли малагим» деб номланган спектаклдан саҳна кўринишларини ижро этиб, йиғилганларни ҳушнуд қилдилар.

Дарҳақиқат, қизларимизнинг одоби, ўзини тутиши, кийиниш, ҳаттоки сўзлашув маданиятида ўзбекона руҳ уфуриб турмоғи лозимдир. Зеро момоларимиздан мерос бўлиб келаётган шарқона урф-одатлар ўзлигимизни англаштириб қолмай, балки ўзгаларда фахр ва ҳавас тўғрисида йўғотиши ҳам табиийдир.

Гулчехра САТТОРОВ қизи СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар



Малоҳатли бўлинг

ОЛТИН КУЗДАН ЗУМРАД ҚИШГАЧА

ЗАРҲАЛ КУЗНИНГ СўНГИ ОЙИ ҲАМ ОХИРЛАБ, КУЗНИНГ ИЗГИРИЛИ ЁМФИРЛАРИ ЁҒА БОШЛАДИ. БУ ҚИШНИНГ ЭРТА КЕЛИШИДАН ДАЛОЛАТДИР. АЁЛЛИ КУНЛАРДА ЮЗ ТЕРИСИГА ВА СОҒГА АЛОҲИДА ПАРВАРИШ БЕРИШ БАРЧА АЁЛЛАРИНГ Йў-ХАЙЛИДАГИ ФИКРЛАРДАН БИРИДИР.

- Юз териси қишнинг совуқ кунларида дағаллашиб кетмаслиги учун, ҳар кун битта тухум сарига бир ошқошқ глицерин қўшиб яхшилаб аралаштириб, юзингизга суринг. Ниқоб 10, 15 дақиқа турсин. Сўнг қайнаган илик сувда чайинг.
- Совуқда баъзан юз териси қизариб, пўст ташлаши ҳам мумкин. Бундай пайтда бир чой қошиқ творог ва бир чой қошиқ қаймоқни сабзи суви билан аралаштириб суринг. Бир неча дақиқадан сўнг илик сув билан ювиб ташланг.
- Икки ой қошиқ сметана ва майонеэни аралаштириб, тозаланган юзга сурсангиз, юзингизни куруқлаб қолишдан асрайди.
- Қаймоқ аралашмасига қўшиб ишлатилган қирғичдан ўтказилган қизил лавлагли ҳам юзингизни

силлик қилиб, терингизни таранглаштирадир.

СОЧИНГИЗ ЖИЛОСИ УЧУН

- Бир дон тухум саригага бодом мойининг бир неча томчиси ва лимон шарбатини қўшиб сочингизга суриб, бир соатдан сўнг ювиб ташлангиз, сочларингиз сержило ва майн бўлади.
- Усимлик ёғининг беш олти томчисига ёғсиз сузма аралаштириб, бир ош қошиқ тоза асални қўшиб сочингизга суртасиз ва бир неча соатдан сўнг, ювиб ташлайсиз. Қарабиски, сизнинг сочларингиз янада жилоли, гўзал кўринишга эга бўлади.

БАХТЛИ БЕКАЛИК НАСИБ ЭТСИН

- Хотин-қизларнинг энг асосий қуроли бу — гўзаллик. Гўзал бўлишга сиз ҳам ҳақлисиз. Пала-партиш кийинманг ва ўзингизга оро беришдан эринманг.
- Сиз ҳаётдан тез-тез нолиб турасиз, шу жиҳатингиз сизни йигитлардан узоқлаштирадир. Улар барча ишлари жойида ва омадли аёлларни ёқтиришади.
- Ишга бутунлай берилиб кетгансиз. Атрофингиздагиларнинг гап-сўзига умуман эътибор бермайсиз. Балки бахтингиз оёғингиз остидадир сиз пайқамётгандирсиз.
- Оила сизнинг ҳаётингизни ўзгартиришидан қўрқасиз. Қўрқманг, аёл учун энг муҳими — оила.
- Учрашувга чиқишдан олдин учрашувингиз омадсиз бўлишига ишонасиз ва кайфиятингизни туширасиз. Шу сабаб учрашувга чиққан йигитнинг салбий томонларини излайсиз.
- Ота-онангизнинг омадсизлиги ва хатолари сизнинг ҳаётингизда ҳам рўй бериши мумкинлигидан чўчийсиз. Унутманг, Оллоҳ ҳар кимнинг пешонасига ҳар хил тақдир битган.
- Сизга уйланоқчи бўлган йигитга жуда катта талаблар қўймоқдасиз. Ҳаммаси аста-секинлик билан бўлади.
- Хуллас, ҳаётингизнинг бахтга тўлиши ёки тўлмаслиги ўзингизга боғлиқ, сингилжон. Сиз ҳам бошқалар қатори бахтли бўлишга ҳақлисиз. Шу боис юқорида айтилган гаплардан тегишли хулоса чиқаринг. Бахтли бека бўлиш насиб этсин.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

“Баҳористон”дан

(Шоислом Шомухаммедов таржимаси)

Бир содда айтар эди устага: — Уй асоси Шундай маҳкам бўлсинки, қолмасин кўнглимда ғам. Оқил тинглаб дер: — Бўлгач омонат умр биноси, Не фойда лойдан курган уйинг харчанд мустаҳкам?!

Душман харчанд хору мағлуб бўлса ҳам, Хушёрлик жиловин маҳкам тут, маҳкам. Бошига оёқ кўй, думига эмас, Оёгинг остида илон кўрган дам.

Юз ёмонлик етса ҳам ёмонлардан, эй Жомий, Килгил уларга фақат эзгулик тилаб дуо. Гавҳарга тош тегса ҳам, будир Янграмас “Ғофил қавмим кутқар”дан ўзга садо.

Хар ким мажлисинга келтирса хабар, Фалон яхшиликда чиқармади ном. У нокас сўзига қил қулоғинг кар, У тухматчи ёки чакимчи мудом.

Ходисалар ўқидан агар етса мусибат Хатар макони бўлган бу ҳажр уйида ҳар дам. Бесабрлик қўли билан қилма сабр тўнин чок, Мусибат ажрсиз қолса, мусибатдир чинакам.

Кеча хожа уйин пештоқиға шан Ёзгандилар: “Умринг узоқ бўлсин!” — деб. Бугун қабристондан ўтсанг кўрасан, Ёзибдилар: “Гўринг нурга тўлсин!” — деб.

Орифга ўз узрини айтар эди бир нокас: Гоҳ у, гоҳ бу гов бўлар хузуригнга келгани. Ориф жавоб қилиб дер: сендайларнинг хар нафас Келганидан яхшидир келмай миннат қилгани.

Дўстидан душманлик кўрса ҳам харчанд, Дўстлиги ортан дўст дўстдир чинакам. Жабру ситамини қилмасдан писанд, Садоқат риштасин боғлар мустаҳкам.

Беҳуда юк сўзга не даркор, То бўлсин ақл жамоли ошкор.

Гарчи зилол сувдек тотли сўзинг бор, Малоллик келтирар топса у тақор.

Ҳеч ким яшамайди иккинчи бора, Илм йўлини тут — йўқ ўзга чора.

Хар бир ишда бор илмга эҳтиёж, Илм туфайли ишларинг топгай ривож.

Агар ихлос билан амал бўлмас ёр, Донолар наздида топмас эътибор.

Хатни шундай керакки ёзиш, То ўқувчи топсин оёсийиш.

Кимга бўлса ақлу хуш ошно, Ёмонга тан бермайди асло.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Кўргазмалар

Камолот сари

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШ, УЛАРИНИГ ЎСИБ-УЛГАЙИШИ УЧУН КЕРАКЛИ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИШГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА.

Айниқса, якунига етиб бораётган “Ёшлар йили”да мурғак иқтидор эгаларини рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Республика болалар бадий ижодиёти марказида бўлиб ўтган “Камолот сари” номли ёш ижодкорлар кўргазмаси ҳамда халқаро кўргазма-танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида айни шу борадаги фикрлар ўртага ташланди. Унда танкичи санъат усталари, марказнинг иқтидорли ўқувчилари, ҳамдўстлик ва хорижий давлатлардаги турли кўрик-танлов ғолиблари, уларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Республика болалар бадий ижодиёти маркази раҳбари Санобар Шодиева кириш сўзи билан очди. Таъкидланганидек, ўтган йили Хиндистонда ўтказилган “Шанкар—2007” Халқаро кўргазмасида марказда таълим

олувчи бир гуруҳ ёш истеъдод эгалари — Дарья Евдокимова, Феруза Умарова, Зулфия Абдулина, Фотима Тўйчиевалар ғолибликни қўлга киритган бўлсалар, жорий йилда Қирғизистон республикасида бўлиб ўтган “Биз ҳамдўстлик мамлакатиде яшаймиз” номли Халқаро кўргазмада шаҳримиздан Жамшид Эргашев, Дияра Имомбоева, Александр Плотников, Настя Черкасовалар ҳам айни шундай зафарга эришган. Яна бир марказ тарбияланувчиси Жаҳонгир Низомқориевнинг Шарқ миниатюраси бўйича Польшада бўлиб ўтган нуфузли кўрик-танловда медал ва Фахрий ёрлик билан тақдирланганини ўзиёқ марказда олиб борилаётган самарали ишлар қўла-мидан далолат беради.

Шундан сўнг сўз навбатини олган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Маънавий ва ахлоқий тарбия бўлими бош-



лиги У.Эгамбердиев, Ўзбекистон халқ рассомлари Ортикали Қозоқов, Ортик Файзуллаев ва бошқалар Истиқлол йилларида ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтишди.

Тадбир давомида халқаро миқёсдаги кўрик-танлов ғолиблари тақдирланди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, марказда бадий ижодиёт сирларидан воқиф бўлаётган ёшларни суҳбатга тортидик.

— Менинг марказга қатнай



бошлаганимга хали кўп вақт бўлгани йўқ — дейди шаҳримиздаги 117-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Муроджон Усмонов. — Лекин шу қисқа фурсат ичида миллий қўлолчилик санъати сирларини озгина бўлса-да, ўргандим. Келгусида устозим Шухрат Ғиёсовдан маҳорат кўникмаларидан сабоқ олишим даркор деб ўйлайман. Йиғилганларда “Камолот сари” номли ёш мусаввирларнинг кўргазмаси катта таассурот қолдирди. Ундаги она-Ватан, серкўёш осмонимиз, алвон ран-

ларга безанган қир-адирлар тасвири мурғак қил эгаларининг истеъдоди қуртак отиб келаётганидан далолат беради. **Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА:** Республика болалар бадий ижодиёти маркази фаолиятдан лавҳалар. **Шавкат Қажҳоров олган сурачлар**

Спорт янгиликлари

Майдонда ёш футболчилар

ПОЙТАХТ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СТАДИОНЛАРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ҲАМДА БИРИНЧИ ЛИГАСИ КЛУБЛАРИНИНГ ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲЛАРИ ЎРТАСИДА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ФИНАЛ БОСҚИЧИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БОШЛАНДИ.



1992 йилда туғилган футболчилар ўртасидаги мусобақада Тошкентнинг “Техтакор” жамоаси тарбияланувчилари “Қизилқум” (Зарафшон) дарвозасига жавобсиз олтига тўп киритиб, “А” гуруҳи пешқадамга айланди. Ушбу гуруҳнинг иккинчи ўрашувида “Насаф” (Қарши) жамоасининг 16 ёшли футболчилари “ЎзДон” (Ўзбекистон) тенгқўрларига 2:6 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

“В” гуруҳидаги ўрашувларда дуранг натижа қайд этилди: “Бунёдкор” (Тошкент) — “Машъал” (Муборак) — 0:0, “О.Ақбаров” (Яйпан) — “Металлург” (Бекобод) — 1:1.

1994 йилда туғилган футболчилар баҳсида “А” гуруҳидан жой олган Наманганнинг “Навбахор” жамоаси регламентни бузгани учун уларнинг дастлабки турдаги рақиби — “Бунёдкор”га техник ғалаба берилди. Яна бир ўрашувда “Машъал” футболчилари “Олмалик кон-металлургия комбинати” (Олмалик) вакилларини 6:2 ҳисобида енгилар.

“В” гуруҳида уйнаётган “Пахтакор” Гуздорнинг “Шўртан” клуби тарбияланувчилари дарвозасига жавобсиз учта тўп киритган бўлса, “Бухоро” “Андижон”га ютқазиб қўйди — 1:2.

Мусобақа қондасига кўра, гуруҳларда дастлабки икки погонани эгаллаган жамоалар ярим финалга йўлланма олади. Биринчилик ғолиблари 24 ноябрь кўни ўтказиладиган финал ўрашувларида аниқланади.

Пойтахтда баскетболчилар баҳси

ТОШКЕНТДА БАСКЕТБОЛ БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БОШЛАНДИ.

“А” гуруҳида пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган “МХСК” баскетболчилари Бухоронинг “Университет” жамоасига қарши майдонга чиқиб, ўрашувини 91:75 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Тошкент шаҳрининг яна бир жамоаси — “Тошкент Давлат техника университети” талабалари кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган ўйинда “Южанин” (Навоий)га бир очко фарқи билан — 69:70 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

“В” гуруҳидан жой олган жамоалардан “Ўзбекистон Миллий университети” (Тошкент) вакиллари Самарқанднинг “Олимпия заҳираларини тайёрлаш маркази” баскетболчиларини 61:53 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Намангандаги 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари “Андижон давлат университети” жамоасига 53:63 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Қорақалпоғистон Республикасининг “Нукус” ва Навоийнинг “Ожанин-2” жамоалари баҳсида рақиблик нисбатан кўйлаб ҳужумларни самарали яқунлаган навоийликлар 63:98 ҳисобида зафар қўчди.

Ким эпчилу ким чаққон

ПОЙТАХТИМИЗДА БАДМИНТОН БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ.

Яққалик беллашувларида андижонлик спортчиларга тенг келадигани топилмади. Қўзлар ўртасида Сурайё Аҳмаджонова ҳал қилувчи беллашувада пойтахтлик Ксения Курасни енгиб, мусобақа ғолиби бўлди. Учинчи ўрин тошкентлик Ольга Қоневага насиб қилди.

Ушбу болалар баҳсида андижонлик Мансур Нажмиддинов мезбон спортчилар — Темура Каримов ва Бобур Тешабоевни ортада қолдириб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Яққаликлар баҳсида чемпион бўлган М.Нажмиддинов жұфтликлар ўртасидаги беллашувларда тошкентлик Николай Гаврилов билан бирга ўйнаб, финалда Темура Каримов ва Бобур Тешабоевни мағлубиятга учратди.

Қўзлар баҳсида эса финалгача фақат пойтахтлик бадминтончилар етиб келди. Унга кўра, Ксения Курас ва Ольга Қонева дуэти ҳал қилувчи ўрашувда Комила Жумабекова ҳамда Валерия Муштакова устидан зафар қўчди.

Жуфтликлар ўртасида учинчи ўринни бухорлик Файзулла Башиллаев ва Аббос Боймуродов, андижонлик Сурайё Аҳмаджонова ҳамда тошкентлик Мария Бакина дуэтлари эгаллади.

Боҳир БЕК

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р — 2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

Танлов эълон қилади:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сон академик лицей	Миробод тумани, Азиз Қодиров кўч, 12-уй
2	Юнусобод дизайн касб-хунар коллежи	Юнусобод тумани, Уста-Ширин кўч, 98-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
- 2.Туман ҳокимлигининг тавсиянома-си;
- 3.Сўровнома (справка—объективка);
- 4.Таржимаи ҳол;
- 5.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
- 6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
- 7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- 8.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- 9.Паспорт (нусхаси);
- 10.Тавсифнома;
- 11.Меҳнат дафтарчасидан нусха;

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шаҳсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-77-70, 252-23-35.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1006

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Маъбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3282 нусхада босилди. Қўзғош бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 6